ИШОНЧ

ШУ ЗАМИН — ЎЗБЕКИСТОН — БАРЧАМИЗНИКИ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

20 январ чоршанба 1999 йил №9 (656)

Ушбу сонда:

2 БИР ҚОНУН ШАРҲИ

3 МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ТАҚДИРЛАР

4 МИЖОЗЛАРНИНГ ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗИ

ПРЕЗИДЕНТ ОСТОНАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 январ куни Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоевнинг янги муддатга президентлик вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан бўладиган маросимда иштирок этиш учун Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Бош вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

/ЎзА/

«Янги Тошкент» консерва ҳиссадорлик жамияти жамоаси она заминимиз саховатидан, сахий қуёш нуридан баҳра олиб, етилган шириншакар мева-сабзавотларни сифатли қайта ишлаб, турли истеъмол маҳсулотлари тайёрлаб келмоқда.

Корхона цехларида янги, замонавий, серунум агрегатлар ўрнатилган. Улар ёрдамида тайёрланган қиём, мураббо, шарбат, джем, компот ва турли тузламалар ҳам ўз сифати билан ажралиб туради.

Суратда: Илғор ишчи Лобар Миррахимова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИ КИМЛАР БУЗМОҚДА?

Қонун устувор бўлган мамлакатимиз ҳаётида фуқароларнинг фаол иштирок этаётганликлари демократик тамойилларнинг чуқур илдиз отиб бораётганлигидан далолатдир. Дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топган давлатимизда XXI аср бўсағасида барча жабҳаларда адолатни ўрнатишга катта эътибор берилаётир. Чунки, Президентимиз таъкидлаганларидек, одамлар муайян қийинчиликларга бардош беришади, аммо адолатсизликка асло чидай олмайдилар.

Олий Мажлис сессияларида қабул қилинган қонунлар, ҳукуматимиз қарорлари, Конституциямизнинг мазмун-моҳияти жамиятимиз аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини ифодалайди ва ҳимоя этади. Афсуски, орамизда қонунни менсимайдиган, эскича фикрлаб иш юритаётган кимсалар ҳамон учраб турибди.

Шу боис республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига адолатталаб хатлар келиб турибди. Уларда ҳуқуқ меъёрларининг бузилаётганлиги баён қилинган. Масалан, II гуруҳ ногирони «Миркомил» тижорат корхонасига қарашли 12-ошхона ходими С.Ҳасанова томонидан шикоят тушган эди. Аниқланишича, у бахтсиз ҳодиса туфайли ишлаб чиқаришда жароҳат олган. Вақтинчалик меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган. Касаллик варақаси очилган. Бироқ, корхона директори унга тегишли бўлган маошни тўлашдан бош тортган. Тадбиркорлар Марказий Қўмитаси бу ишни атрофлича ўрганиб, ҳужжатларни прокуратурага топширди. Фуқаро талаби қонуний тарзда қондирилди.

Шунингдек, «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси қоровули Мирзакарим Қўчқорбековнинг шикояти ҳам кўриб чиқилди. У 1996 йилда асоссиз равишда ишдан бўшатилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи турли органларга мурожаат қилишига қарамай, унинг даъвоси ҳал этилмай пайсалга солинган. Лекин Федерация Кенгашининг аралашуви сабабли ушбу иш ҳам ижобий ҳал қилинди. Тошкент вилояти суди ҳукми билан у ўз вазифасига тикланди.

1998 йилнинг 2 декабр куни фуқаро Ануза Исмурзина ариза билан келди. У Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ҳисобчи бўлиб ишлаган. Вазифасидан озод этилганлигига 6 ой бўлсада меҳнат дафтарчасини ололмай юрган. Тўғриғоғи, сансолларликка йўл қўйилган. Давлат муассасалари ходимлари, Марказий Қўмитанинг аралашуви билан фуқарога меҳнат дафтарчаси қайтарилиб, шу давр мобайнидаги иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди.

Муродулла Ғафуров, «Ишонч» мухбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига
Муҳтарам Жаноб Президент,

Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Америка халқи ва ўз номимдан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Бу байрам демократия ва халқаро инсон ҳуқуқлари принципларининг асоси бўлган эътиқод эркинлигининг руҳлантирувчи муҳим омили сифатида хизмат қилади.

Америка Қўшма Штатлари мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми - демократиялаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги Ўзбекистон саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Биз Ўзбекистон мустақиллиги, хавфсизлиги, демократия ва бозор иқтисодиёти ривожланишини қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

Эҳтиром ила,
Уилям КЛИНТОН,
АҚШ Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Муборак Рўза ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан дўстона табрикларим ва холис биродарона тилакларимни йўллашдан бахтиёрман. Аллоҳ Таъолодан ушбу муносабат билан Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт, биродар Ўзбекистон халқи ва барча Ислом умматига давомли тараққиёт ва барқарорлик ато этишини сўрайман.

Сиз Жаноби Олийларига холис саломлар ва ҳурматимни изҳор этаман.

Биродарингиз,
Фаҳд бин Абдулазиз Ол САУД,
Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Рўза ҳайити кириб келиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига холис табрикларим ва самимий биродарона тилакларимни йўллашдан мамнунман. Қодир Аллоҳдан ушбу саодатли муносабатларда Сиз Жаноби Олийларига, биродар Ўзбекистон халқи ва мусулмон умматимизнинг барча халқларига давомли тараққиёт ва доимий фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сиз Жаноби Олийларига холис саломлар ва ҳурматимни билдираман.

Биродарингиз,
Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД,
Саудия Арабистони Подшоҳлигининг
Валиаҳди, Бош вазир ўринбосари,
Миллий гвардия бошлиғи

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Рўза ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади. Сиз Жаноби Олийларига бахт, қардош мамлакатингиз халқига эса доимий тараққиёт тилайман.

Юксак эҳтиром ва ҳурмат ила,
Зоид бин Султон Ол-НАҲАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рўза ҳайити менга Сиз Жаноби Олийларига самимий табриклар йўллаш, эзгу истаклар билдириш ва сиҳат-саломатлик, Ўзбекистоннинг биродар мусулмон халқига тўкин-сочинлик, доимий тараққиёт ва фаровонлик тилакларини изҳор этиш имконини берди. Қодир Аллоҳдан мусулмон халқларимизга тинчлик, равнақ ва бирдамлик сўраймиз.

Сиз Жаноби Олийларига чуқур эҳтиромларимни изҳор этаман.

Саъд ал-Абдуллоҳ ас-Салим ас-САБОҲ,
Кувайт Давлати Валиаҳди ва Бош вазири

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Бутун дунё мусулмонлари Рўза ҳайити кириб келишини интиқлик ва хурсандлик ила кутишди. Ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт ва узоқ умр тилаймиз. Қодир Аллоҳдан мамлакатингиз биродар халқининг тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашдаги саъй-ҳаракатларингизни қўллашини сўраймиз. Яратганнинг ўзи мусулмон халқларига раҳм-шафқат ва яхшиликни ёғдирсин.

Қобус бин САИД,
Уммон Султони

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сиз Жаноби Олийларига, ҳукуматингизга ва биродар Ўзбекистон халқига Мальдив ҳукумати, халқи ва ўз номимдан Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан самимий табрик ва эзгу тилаклар йўллашдан ғоят бахтиёрман.

Қодир Аллоҳ байрам кунлари барча мусулмонларга хурсандлик ва мусулмон оламига тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт ато этишини сўраб қоламан.

Маъмун Абдул ҚАЮМ,
Мальдив Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сизга самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан ғоят бахтиёрман.

Исломга муҳаббат руҳида тарбияланган ва муқаддас Муҳаммад Пайғамбарнинг мўъжизаларидан руҳланган бутун дунё мусулмонлари келажакда тинчлик, тараққиёт ва равнаққа эришиш йўлида биргаликда қадам ташлайдилар, деб чин кўнгилдан ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Шаҳобиддин АҲМАД,
Бангладеш Халқ Республикаси
Президенти

Қўшни мамлакатларда

МАҲСУЛОТГА ЭҲТИЁЖ ҚАНЧА?

ОСТОНА. «КазААГ» ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда ёзилишича, мамлакат уран саноати ходимлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш чоратадбирларини кўрмоқда. «Казатомпром» компанияси президенти М.Жакишев «Деловой мир» газетасига берган интервьюсида 2005 йилгача уран қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича катта ишларни амалга ошириш режалаштирилганини таъкидлади.

Лекин ҳозир дунё бозорида уранга эҳтиёж жуда кам. Чунки бу маҳсулотга асосий харидор бўлган ривожланган ғарб давлатлари «совуқ уруш» пайтида заҳирага ғамлаб қўйган ураннигина ишлатишаётир.

ИЛК ДАФЪА ДАМ ОЛИШ КУНИ СИФАТИДА БАЙРАМ ҚИЛИНДИ

АШХОБОД. Туркманистонда бу йил Рамазон ҳайити илк даъфа дам олиш куни сифатида байрам қилинди.

Рамазон ҳайити ўтган йили Президент С.Ниёзовнинг Фармонига асосан умумхалқ байрами, деб эълон қилинган, бироқ дам олиш куни деб белгиланмаган эди. Бу йил эса Ийд ал-Фитр мамлакат оқсоқолларининг илтимосига биноан дам олиш куни, деб эълон қилинди. Шунингдек, уч ойдан кейин нишонланадиган Қурбон ҳайити ҳам дам олиш куни деб белгиланди.

ЁРДАМ ПУЛИ АЖРАТИЛДИ

БИШКЕК. Қирғизистонда фойдаланилган газ учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик ва газдан фойдаланишдаги хўжасизлик шароити ҳукм сураётир. Газ сарфини ҳисоб-китоб қилиб бориш учун мамлакатга кўплаб миқдорда газ ўлчагичлар зарур. Лекин давлатнинг молиявий аҳволи ҳозирча бунга имкон бермайди. Шу боис Япония ҳукумати газ ўлчагичлар сотиб олиш учун Қирғизистонга 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам пули ажратди.

/ЎзА/

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

КЎНГИЛ ОВЛАШ ОСОНМАС

«Чинобод» - ўз номига монанд саломатлик маскани. Қуюқ дарахтзорлар ўрамида жойлашган санаторийда даволанувчилар бир, икки қаватли коттежлар ва олисдан кўзга яқ-қол ташланиб турувчи салобатли тўққиз қаватли бино хоналарида истиқомат қиладилар. Кейинги йилларда коттежлар қайта таъмирланиб, талаб-эҳтиёжлар даражасига келтирилди. Юнусобод туманида амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ишлари бу ерни ҳам четлаб ўтмади. Даволанувчиларга тиббий, маданий-маърифий ва маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган қатор бинолар қад ростлади. Борлари замонавий меъёрлардан келиб чиқиб, таъмирланди - киши кўзини қувонтирадиган ҳолатга келтирилди.

Санаторий-биринчи навбатда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак касалликларини даволашга мўлжалланган. Ҳудуднинг ўзидан олинадиган манба - минерал сув таркиби мамлакатимиз шундай сиҳатгоҳларидаги сувлардан ўта шифобахшлик хусусиятлари билан фарқланади. Беморлар махсус ажратилган кўркам ва бежирим хонадаги жўмракларидан шифокорлар тавсиясига кўра совуқ ва илиқ минерал сувлардан истеъмол қилишлари мумкин. Ташқаридан келтириладиган балчиқ, фаолият кўрсатаётганига унча кўп вақт бўлмаган лазер нури билан даволаш, руҳий терапия ва мануал терапия хоналаридан муолажа олиб чиққанлар чеҳрасидаги нур бардамлик, умидворлик шифокорларга бўлган миннатдорликдан нишонадир.

- Мақсадимиз битта,- дейди бош шифокор Насимжон Зуфаров,- у ҳам бўлса дарддан фориғ бўлиш, соғлиғини мустаҳкамлаш учун келганларда ҳаётдан розилик аломатларини кўриш. Бу - жамоамизнинг асосий шиорига айланган. Барча тадбирлар касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилади. Чунки уларнинг мазмун-моҳияти биринчи навбатда инсонга хизмат қилиш.

Касабақўм раиси Зоя Морозова билан сиҳатгоҳ ҳудудини айланамиз. Сартарошхона, сауна, чойхона, қўшимча таомхона, ёзги кинотеатр, клуб, қурилиши бошланган биллиардхона, газета-журналлар дўкони, катта, икки залдан иборат беш юз ўринли ошхона ва бошқа хизмат тармоқлари даволаувчилар ихтиёрида. Олдин иқтисод - кейин сиёсат деганларидек, гап мавзуини озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотига бурдик.

Кенг, озода, ёруғ ошхона сўл томонида «буюртма бурчаги» бор. У орқали ҳар бир киши эртаги кун учун ўзи суйган таомга буюртма бериши мумкин. Термизлик Анокул Шоймардоновнинг таъкидлашича, сурункасига икки йилдан буён шу ерда даволаниб, дардига шифо топаяпти экан.

- Ҳозирги пайтда бундай намунали санаторийни ҳамма ерда ҳам учратавермайсиз,-дейди тошкентлик Собит Жўраев,-ҳатто шаҳар дорихоналарида камдан-кам бўладиган дорилармонлар бу ерда бемалол. Энг замонавий тиббий асбоблар ёрдамида тўғри ташхис қўйилиши касаллик турини вақтида аниқлаш ҳамда уни даволашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эътиборингизни яна бир масалага қаратишни истардик. Яхшиси бу ҳақда З.Морозованинг ўзидан эшитганингиз маъқул:

- Айтайлик, даволанувчи икки-уч соат вақтини турли муолажаларни олишга сарфлади,-дейди у,- кейин нима иш билан шуғулланади, қаерга боради? Биз ана шуларни алоҳида эътиборга олиб, клубимиздан самарали фойдаланишга ҳаракат қилдик. Турли кўнгилочар ўйинлар, рақс кечалари, уруш, меҳнат фахрийлари, ижодкору санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этдик. Куни кеча машҳур сўз устаси Ҳожибой Тожибоев ўзининг ичак узди чиқишлари билан ҳаммамизнинг кайфиятимизни кўтарди. Ортиқ Отажонов, Султонпошша Ўдаева концертига жамоа бўлиб боришни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, пойтахт бўлаб ёки тоғ ёнбағирларига сайрлар одат тусига кириб қолган.

Кутубхона бекорга клубнинг ёнида жойлашмаган экан. Клубда кўпчилик қатнашадиган тадбирдан олдин ёки кейин ҳам зиё масканига кирадиганлар топилади. Хоҳлаган одам шу ернинг ўзида - озода, шинам, файзли хонада китоб мутолаа қилиши мумкин. Кутубхоначи - олий маълумотли мутахассис Барно Султонова муҳлислар сонини кўпайтириш мақсадида ёзувчилар, шоирлар иштирокида учрашувлар, кечалар, суҳбатлар ўтказиб туради. Масалан, таниқли адиблар Ҳожиакбар Шайҳов, Тоҳир Малик билан бўлган мулоқот боғоят мазмунли ўтганини гапириб беришди.

- Зиё масканида 5,5 мингта турли китоблар бор,- дейди у. — Ўтган йили 48 минг сўмлик янги китоблар харид қилгандик. Амалдаги йилда эса бадиий адабиётлар учун яна 50 минг сўм ажратилди. Вақтли матбуот нашрларига сарфланган маблағ 91 минг сўмни ташкил этди.

Касабақўм санаторий тиббиёт ходимлари ва хизматчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий муҳофазасига оид қатор масалаларни ҳам ҳал этмоқда. Маъмурият билан 2000 йилгача тузилган жамоа шартномасида кўзда тутилган шартлар, томонларнинг мажбуриятлари бандмабанд бажарилишига эришилмоқда. 43 нафар ходимга 92 минг сўмликдан зиёдроқ моддий ёрдам, 10 нафар илғорларга қимматбаҳо совғалар берилгани, кам таъминланган 15 нафар ишловчи фарзандларига дарсликлар сотиб олиш учун 2000 сўмдан кўмак уюштирилгани фикримиз далилидир. Шу ерда ишлаб пенсияга чиққан фахрийлардан хабар олиб туриш, тантанали кунлар, байрамларда бир пиёла чойга таклиф этиш, бой тажрибаларини баҳам кўриш учун ташкил этиладиган учрашувлар, кечалар ёшларни кекса авлод анъаналари руҳида тарбиялашда қўл келмоқда. Узоқ йил ишлаб пенсияга чиққанлар, уруш иштирокчилари ва ногиронлари санаторийда бепул даволанадилар.

Дўст дўстни қулфатда синар деганларидек, касаба-бақўм жамоа аъзоларининг ҳеч бирини ёлғизлатиб қўймаяпти. Уч нафар ходимнинг уйида бахтсиз ҳодиса рўй берганида уларга ўша куниёқ моддий ёрдам кўрсатилди. Тўй ва маърака ўтказган 12 нафар кишининг ҳар бирига мадад пули берилди. Гап пулда эмас - кўнгилда. Инсон кўнглини олиш эса мушкул нарса.

Жамоа аъзоларининг ҳаммаси бепул махсус уст-бош, рентген ва шу каби ўзига хос жойларда ишловчилар эса сут, мева шарбати билан таъминланмоқда. Шунингдек, ходимлар бошқа сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига боришлари учун йўлланмалар ажратилади. Улар фарзандларининг таътил пайтида ҳордиқ чиқаришлари таъминланаётир. Янги йил баҳона улар қўғирчоқ театри томошаларидан баҳраманд бўлдилар. Спорт зали эса кўпинча «Саломатлик» гуруҳи аъзолари билан банд...

Қисқаси, ушбу саломатлик масканида хоҳ шифокор, хизматчи ёки даволанувчи бўлсин барчалари касабақўм томонидан яратилаётган қулайлик ва имтиёзлардан баҳраманд.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

Бир қонун шарҳи

ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

у хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан қандай ўрнатилади?

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни эълон қилинди. Мазкур ҳужжат корхоналар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиши билан аҳамиятлидир.

Маълумки, бозор муносабатлари ўзига хос тарзда шаклланаётган республикамиз иқтисодиётида бир қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, иқтисодий вазифаларнинг астасекин миллий корпорациялар, чет эллик ишбилармонлар ва хусусий тадбиркорлар зиммасига ўтказилиши макроиқтисодий ва молиявий барқарорликнинг мустаҳкамланишига, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига пухта замин яратмоқда. Шу билан бирга кўп қиррали иқтисодиёт шаклланиб борар экан, хўжалик юритувчи субъектлар устидан, уларда мулкчилик шакли қандай бўлишидан қатъий назар, изчил давлат назоратини ўрнатиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди. Зеро, корхоналарнинг ҳаммаси амалдаги қонунчилик доирасида фаолият кўрсатиши, давлат ва жамият олдидаги мажбуриятларини тўлақонли бажариши муҳимдир.

Очиғини айтиш керак, корхоналар устидан давлат назоратини ташкил этишнинг амалдаги тартиб-қоидалари бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермай қолди. Хусусан, сўнгги йилларда хўжаликлар фаолиятини текширишлар сони кўпайиб кетди, турли назорат органлари томонидан бу борада параллелчилик ва такрорлаш ҳолларига йўл қўйилди. Таъбир жоиз бўлса, корхоналар назоратнинг бундай сийқаси чиққан усулидан безиллаб қолди. Бинобарин, улар фаолиятига асоссиз аралашувлар иқтисодий-маънавий зарар ҳам келтирмоқда. Янги Қонун бу каби салбий ҳолатларга бутунлай чек қўяди. Текширишларнинг адолатли бўлишини таъминлайди, давлатга ҳам, жамиятга ҳам бирдай манфаат келтирувчи назоратни йўлга қўйишда чинакам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайди.

Хўш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати қандай ўрнатилади? Хусусан, текширишлар қачон, кимлар томонидан ва қай тартибда ўтказилади?

Қонунда ана шу ва шунга ўхшаш саволларга муфассал жавоб топиш мумкин. Аввало давлат назоратининг шакллари кенг ва атрофлича шарҳлаб берилгани айни муддаодир. 4-моддада давлат назорати хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш, статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва бошқа йўллар орқали амалга оширилиши қайд этилган. Эътиборли томони шундаки, бунда назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик каби асосий принциплар қатъий белгилаб қўйилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирлик ва идоралар амалга оширади. Эндиликда, улар фаолияти махсус ваколатли орган томонидан мувофиқлаштириб борилади. Зеро, корхоналар фаолиятини текшириш (8-модда), шу жумладан комплекс текширувлар ва тафтишлар ҳам назорат қилувчи органлар томонидан такрорланишига йўл қўйилмайдиган тарзда, мувофиқлаштирувчи режа асосида ўтказилади. Назорат органлари текширишларни махсус ваколатли орган билан келишган ҳолда, мувофиқлаштирувчи режага биноан олиб боради.

Корхоналар фаолиятини текширувдан ўтказишга нималар асос бўла олади?

Қонуннинг 9-моддасида бу ҳақда атрофлича айтиб ўтилган. Хусусан, юридик шахслар фаолиятини текширишга махсус ваколатли орган ёки унинг худудий бўлинмаси томонидан беилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма, назорат қилувчи органнинг шунга мувофиқ чиқарган буйруғи ёхуд махсус ваколатли органнинг текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги қарорлари асос ҳисобланади. Бунда текшириш мақсади, уни ўтказиш санаси ва текширишни ўтказувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилиши лозим. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати идоралари томонидан кўзғатилган жиноий ишлар, шунингдек, шикоят ва аризалар ҳам хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишдан ўтказишга сабаб бўлиши мумкин. Шунга қарамай текширишларнинг даврийлиги, энг муҳими, режадан ташқари текширув тартиблари алоҳида моддаларда қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, текшириш муддатлари ўттиз календар кунидан ошмаслиги лозим.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текширишларга ҳам бир қадар ойдинлик киритиб берди. Чунки корхоналар фаолиятига давлат назорат органларидан ташқари бир қанча тармоқ идоралари ҳам бирдай масъулдирлар. Ёнғинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назоратлари шулар жумласидандир. Бундай назорат шакллари бундан буён қоида тариқасида бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади. Равшанки, бундай текширувлар ҳам махсус ваколатли орган рухсати билангина ўтказилади.

Қонун хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини ташкил этишни такомиллаштириш, ҳатто айтиш мумкинки, бу соҳада янги, замонавий, айни пайтда адолатли тизимнинг шаклланишига туртки беради. Зеро, текширишларни режали тарзда, аммо бир йилда кўпи билан бир марта ўтказишни қоидага айлантириш давр тақозосидир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўла миқдорда тўловчи, мавжуд тартиб қоидаларга риоя этувчи, шунингдек, аудиторларнинг ҳар йилги тегишли хулосаларига эга корхоналар фаолиятини кўпи билан икки йилда бир марта текшириш уларни ўзига хос рағбатлантириш вазифасини ўтайди.

Қонуннинг 16-моддасида текширилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари акс эттирилган. Зеро, корхоналар ўз фаолияти текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиши, текшириш ўтказиш учун асос бўлувчи ҳужжатларни талаб қилиши, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилдики, буни билиш ва ундан самарали фойдаланиш жуда муҳимдир. Бинобарин, ҳеч қандай асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик, назорат қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган талабларни бажармаслик, текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳам уларнинг қонуний ҳуқуқлари саналади. Бундан ташқари, текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиши, қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, давлат ва жамият равнақини таъминлашга хизмат қилувчи яна бир муҳим ҳужжатга эга бўлдик. Уни чуқур ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш умумий ишимизга катта фойда бериши, хусусан, бугунги кунда кенг қулоч ёйиб бораётган хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришда ўзига хос ҳуқуқий таянч вазифасини ўташи шубҳасиз.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ТУМАНЛАРАРО ЖАРРОҲЛИК БЎЛИМИ

Бундан ярим йил муқаддам Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси билан Дўстлик тумани марказий касалхонаси қошида 30 ўринли туманлараро жарроҳлик маркази очилган эди. Шу марказ Дўстлик, Пахтакор, Зафаробод, Арнасой ва Мирзачўл тумани аҳолисидан жарроҳликка муҳтожларни операция қилишга мўлжалланиб, барча замонавий жиҳозлар билан таъминланганди.

Жарроҳлик марказида ошқозон яраси, жигар эхинококи ва турли ичак касалликлари билан огриган беморларга тажрибали ҳакимлардан тиббиёт фанлари номзоди Илҳом Умрзоқов, олий тоифали жарроҳ Яхшилиқ Баратов, олий тоифали уролог Эрмамат Яманқулов каби шифокорлар беминнат хизмат қилмоқдалар.

Шу кунгача мазкур марказда 300 дан зиёд бемор шифо топиб азиз жигарбандлари қучоғига қайтдилар.

Марказнинг иш тажрибаси бўйича Республика семинарини шу йил март ойида ўтказиш мўлжалланмоқда.

ИНСОН ҚАЛБИ МЕҲРГА ТАШНА

ногиронларни реабилитация қилиш Маркази фаолиятидан

Ҳозирги кунда протезлар ёрдамида эл қатори меҳнат қилаётганлар энг иродали инсонлардир. Тўғрида, нега энди ақл-идроки, имконияти бўлсаю, биргина жисмоний камчилик деб кўпдан четда қолса. Худди шу муаммони ечишда беморларга ёрдам бераётган, уларнинг дардига малҳам бўлаётган Таянч ҳаракат аъзолари касалликлари ногиронларини реабилитация қилиш марказининг фаолияти билан танишдик.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида ногиронларни 1996-2000 йилгача реабилитация қилиш дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида марказда беморларни тиббий, ижтимоий, психологик, ҳамда касбий реабилитация қилиш борасида бирмунча ишлар амалга ошириляпти. Марказнинг асосий вазифаси эса республикада таянч ҳаракат аъзолари касалликлари ва шикастланиш натижасида ногирон бўлган кишиларга тиббий, ижтимоий ёрдамни ташкил этиш, протез ҳамда ортопедик мосламалар билан таъминлашни яхшилашдан иборат. Шу борада янгидан ташкил этилган вилоят реабилитация марказлари таркибидаги ногиронлар учун махсус ўринлар белгилаш, ортопед-реабилитолог шифокорларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқитишни ташкил этиш, ўз турар жойларида етарли имконияти бўлмаган ногиронларни Тошкентдаги ихтисослашган марказга жалб этишга эътибор қаратиляпти.

1999 йилдан бошлаб вилоятлардаги реабилитация бўйича қилинадиган ишларда ёрдамни ташкил этиш учун марказдан куратор гуруҳлари тузилди. Бугунги кунда 8 та вилоятда реабилитация марказлари очилди. Ушбу марказларда жараён бепул олиб борилади. Бу марказлар хизматидан фойдаланиш учун - турар жой ТМЭКидан махсус йўлланма олиниши шарт. Кузатувлар шуни кўрсатаяптики, охирги 10 йилда 4218 нафар ногироннинг тиббий варақалари ўрганилганда, улардан 866 таси, яъни 20 фоизигина биринчи уч ой ичида бирламчи протезга мурожаат қилганлиги маълум бўлди.

Бемор ва ногиронларни бирламчи протезга тайёрлаш реабилитациянинг энг асосий босқичларидан бири бўлиб, ногирон меҳнат қобилиятининг тикланиши мана шу жараёнга кўпроқ боғликдир.

Жойларда протезлашнинг асосий мақсад ва вазифаси тўлиқ тушунтираолмаётганлиги оқибатида ногирон психологиясига салбий таъсир кўрсатиб, тушкунлик кайфияти вужудга келишига сабаб бўляпти. Марказ томонидан мана шундай вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ногиронларни иш билан таъминлаш, компьютерлар синфини ташкил қилиш, ҳар хил касб-ҳунарга йўналтириш сингари ишлар йўлга қўйиладиган бўлди.

Марказнинг фаолиятидан қанчалик унумли фойдаланиш мумкинлигини қуйидаги фикрлардан ҳам билса бўлади:

Т. ЭШИЕВ - Марказ директори: Ортопедик мослама ва қулайликлардан фойдаланиш қанча эрта бошланса, ногироннинг соғлиғи яхшиланади, унинг ҳаёт ҳақидаги фикри тиниқлашади ва бойийди. Энг муҳими - ногирон бу мосламалардан фойдаланиш ҳисобига ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади.

А. АБЛОҚУЛОВ - тиббиёт фанлари доктори, профессор: Ота-оналар ўз фарзандлари туғилгандан бошлаб, шифокор-ортопедга кўрсатсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Сабаби, кейинги йилларда суяк қийшиқлиги билан туғилаётган болаларнинг сони кўпаяпти. Бунинг олди қанча эртароқ олинса, натижаси шунчалик яхши бўлади.

Шарафли, ўта масъулиятли касб фидойилари бўлган шифокорлар, физиотерапия бўлимидан Л. Э. Беркович, даволаш бадантарбия хизмати мудири Т. М. Фидулова, лаборатория бўлимидан Ф. М. Султонова, жарроҳлик бўлими мудири Б. А. Кимларнинг асосий мақсади — ногиронларни ҳаётда фаол яшовчи инсонлар қаторига қўшиш, уларни қарамликдан халос қилишдир.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ишонч» мухбири.

ЯНГИ ГУЗАР

Жарқўрғон туманида ҳашар йўли билан янги гузар бунёд этилди. «Меҳнат-роҳат» ишлаб-чиқариш савдо гузари мажмуи икки савдо дўкони, бир ошхона, тикув-бичув, сартарошхона, эдикдўзлик, аккумулятор созлаш каби цехлар, биллиардхонадан иборат.

Мазкур гузар биносининг орқа томонида махсус спорт майдончаси бўлиб, унда теннис, болалар учун футбол ва волейбол майдончалари, сауна мавжуд.

Эндиликда вилоятдаги барча туман марказларида ана шундай аҳолига қулайлик туғдирадиган маиший-хизмат кўрсатиш гузарларини қуриш кўзда тутилмоқда.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Жиззах шаҳрининг «Эски шаҳар» аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. 20 автотранспорт саройи «Олмазор» бошбекатидан Жиззах-Тошкент маршрутини йўлга қўйди. Энди йўловчилар 8-10 километр йўл босиб шаҳарнинг нариги чеккасидаги бошбекатга эмас, балки «Эски шаҳар»даги янги маршрутдан фойдаланишади. Шаҳар аҳолиси яратилган бу қулайликдан мамнун.

Ортиқ САИДОВ

Нуроний отахону онахонларимиз мустақиллик кунларини кўриш насиб этганлигидан шукроналар айтадилар. Хўжаободлик 101 ёшли Ҳамрохон ая Иминова хонадонига ҳамма ҳавас билан қарайди. Катта оиладаги ҳамжиҳатлик, меҳру оқибат ўзига хос бир мактабдир.
Суратда: Ҳамрохон ая ҳамиша эъзозда.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

УЛАРДАН УМИД КАТТА

Юртни камолотга етаклаш ишида ҳамма бирдек масъулият ҳис этиши даркор. «Бирликдадир бизнинг кучимиз» мавзусида ташкил этилган биринчи аёллар конференцияси Ўзбекистон - Очиқ жамият институти томонидан ишлаб чиқилди. Ҳар чоракда ўтказилиши мўлжалланаётган конференцияда асосан аёлларнинг жамоат ташкилотлари, фирма-корхоналаридаги вакиллар қатнашади. Бундай йиғинларни анъанавий тарзда ўтказиш учун қандай эҳтиёж бор эди? Маълумки, ҳозир республикамизда 40 дан ортиқ рўйхатдан ўтган нодавлат аёллар ташкилоти мавжуд. Шу кунларда яна ўнтаси расмийлаштириш арафасида турибди. Айниқса, ўтган йили шу сингари уюшмаларнинг кўпайиши кузатилганди. Улар томонидан ташкил этилган конференция, семинар ва йиғилишлар турли доирада - туман, вилоят, республика ва халқаро миқёсларда ўтказилган. Юқори даражадаги фаолликни кўлаб-қувватлаган ҳолда айтиш керакки, бу йиғинлар жойларда бир-бирини такрорлаган, изчил бўлмаган ҳоллар кўп учради. Ана шу камчиликларни бартараф этиш ва қолаверса аёллар «гап-гаштаги»ни мувофиқлаштириш мақсадида мазкур конференция ҳар чоракда ўтказиладиган бўлди. Ўйлаймизки, биргаликда амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини тезроқ кўрсатади.

Нодир АЛИМОВ,
«Ишонч» мухбири

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Бош ҳуқуқий нозири Ҳамидулло ПРЕМҚУЛОВ жавоб беради.

Савол:

Биз Ғаллаоролдаги деҳқон бозорида фаолият юритаяпмиз. Хориждан келтирилган турли неъмат ва моллар билан савдо қиламиз. Маҳсулотларни Жиззахдаги хусусий тадбиркорлардан олиб келамиз. Улар Жиззах стандартлаш, метрология ва сертификатлаш худудий марказида кўрикдан ўтказилади. Ана шу маҳсулотларни яна қайтадан кўрикдан ўтказиш шартми?

Шодиева Зайнаб,
Нуралиева Нигора,
Рахматуллаев Ф. ва бошқалар.

Жавоб:

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш ҳақидаги қонуни»да кўрсатилишича махсулотларни сертификатлаш икки турга, яъни мажбурий ва ихтиёрий турларга бўлинади. Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

Сизларнинг мактубингизда кўрсатилган маҳсулотлар ҳам шу рўйхатда кўрсатилгандир.

Ўзбекистон ҳудудида савдога чиқарилиши ёки кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлар белгиланган муддатда бир маротаба сертификатланиши талаб этилади.

Сизлар махсулотни кимдан сотиб олаётган бўлсангизлар шу шахс махсулотни сертификатидан белгиланган тартибда тасдиқланган нусҳасини ҳам бериши керак.

Савол:Боласи 2 ёшга тўлгунча уйда ўтирган она фарзанди икки ёшга тўлмай декретга чиққан, бундай пайтда меҳнатга қобилиятсизлик варақасига қандай ҳақ тўланади.

Она боласи 2 ёшга тўлганча уйида ҳар ойига 1650 сўм нафақа олади, лекин иш ўрни қисқариб қолган тақдирда қай йўсинда нафақа тўланади?

Т.Нураддинов,
Тўрткул туман санаторий мактаб интернати бош ҳисобчиси.

Жавоб:

1. Тегишли вазирликлар ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишиб Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда 1998 йил 9 апрелда 430-сон рақами билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган «Давлат ижтимоий суғурта бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 42-бандида кўрсатилишича йиллик (асосий қўшимча) таътилда бўлиш вақтида, болани парваришлаш учун таътилдаги даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилганда нафақа ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлари учун берилади.

Болани парваришлаш бўйича таътил даври учун тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинги 12 ой мобайнида олинган мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси очилган кунига бўлган таъриф ставкаси туманлар ҳамда жойларда белгиланган иш билан боғлиқ олинадиган туман коэффициенти ва устамаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб қилинади.

2-Жавоб:

Авваламбор шуни айтиш керакки, Меҳнат Кодексининг 234-моддасига биноан аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан сўнг, бола парваришлаш учун бола 2 ёшга тўлгунга қадар нафақа тўланадиган таътил берилади ва бу даврда аёлнинг (ёки ҳақиқатда болани парваришлаётган шахснинг) иш жойи (лавозими) сақланиб қолиши шарт. Яъни сизни иш жойингизни қисқартирилиши ноқонунийдир. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам бола уч ёшга тўлмагунга қадар сизни ишдан бўшатиш мумкин эмас ва ўз навбатида нафақа умумий асосларда тўланаверади.

Савол: Мен Тожибой Дангалов 1978 йилдан буён мактабда, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаб турган бир пайтимда, 1996 йилнинг 1 августида бўш турган мактаб директорлиги вазифасига тайинландим. Мен мактаб директори бўлгунимга қадар шу лавозимда тўрт ой ишлаб бўшаб кетган собиқ директор Р. Кувайвани Патдарғом туман халқ суди 1997 йил 18 декабрдаги қарори билан ўз вазифасига тиклаб, ишламай юрган бир ярим йили учун иш ҳақки ундириб берди. Шу боис бугунги кунда яна оддий ўқитувчиман. Ўзимни таҳқирланган ҳисоблаб ишга чиққаним йўқ. Айтингчи, юқорида баён қилинган ҳолатда менинг қадр-қимматим ва иш жойим масаласи адолатли ҳал этилди, деб бўладими?

Жавоб:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг мазмуни ва мақсадини синчиклаб таҳлил қилсак у нақадар бозор иқтисодиёти шароитида иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларини одилона тартибга солишга ва айни вақтда ходимлар манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилганлиги билан муҳимдир.

Зеро, у ходимни асоссиз ёки ғайриқонуний равишда ишдан бўшатишга йўл қўймайди. Мабодо шундай ҳол юз берган ҳолда эса шу ходимни аввалги ишига тиклаб унга етказилган ҳамма моддий ва маънавий зарарни қоплашни ҳам назарда тутади.

Сизнинг мурожаатингизда баён этилганидан кўриниб турибдики, мактабнинг аввалги директорини ишдан бўшатиш ғайриқонуний равишда амалга оширилганлиги учун суд у кишини лавозимига тиклаш ҳақида қарор чиқарган. Суднинг бундай қарорини бажариш Меҳнат Кодексининг 273-моддасига биноан дарҳол ижро этилиши шарт. Шу боис Кодекс яна бир асосини яъни 106-модда 6-бандида кўрсатилган тарафлар хоҳишига боғлиқ бўлмаган асосни назарда тутган. Бу асосни қўллашни битта шарти бор, у ҳам бўлса маъмурият сиз билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал сизга мавжуд бошқа иш таклиф қилиши ва сизнинг розилигингиз билан сизни шу лавозимга ўтказиб қўйиши керак эди.

Меҳнат ардоқлаган кишилар

Поп туманидаги машина-трактор паркида сидқидил меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонаётган фидойилар кўпчиликни ташкил этади. Қўли гул механизатор Хасанбой Каримов (суратда) уларнинг бири. Меҳнат зарбдори кўп йиллик фаолияти мобайнида лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Уларнинг аксарияти айни кунларда устозлари билан басма-басига ишламоқда.

Истиқлол берган имкон

НИШОННИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИ

Нишон агро-иқтисодиёт коллежида ҳам кадрлар тайёрлаш Миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этиш борасида бирмунча ибратли ишлар қилинмоқда. Қарши чўлида ташкил этилган дастлабки ўқув юртларидан бири бўлган ушбу илм даргоҳида дастлабки вақтларда талабалар агрономия, механизация, ветеринария, зоотехника, иқтисод ва режалаштириш бўлимларида мутахассисликлари бўйича илм олган бўлсалар, эндиликда бу ерда янги ихтисосликлар бўйича бўлимлар фаолият кўрсата бошлади. Хусусан, илм маскани 1996 йилда агро-иқтисодиёт коллежига айлантирилган солиқ ва солиққа тортиш, менежмент, иқтисодчи, маркетинг, аудиторлик хизмати сингари бўлимлар ташкил этилди.

Ўтган ўқув йилида юқоридаги мутахассисликлар бўйича коллежни 200 нафардан зиёд талабалар тугаллагани ҳолда ҳозир бу ерда 300 нафар ёшлар таълим олишмоқда. Уларга 30 нафардан зиёд мутахассис ўқитувчилар малакали дарс ўтишмоқда.

9-синфни битирганлар режалаштириш ихтисосликлари бўйича, 11-синфни битирганлар эса ветеринария касби бўйича ўқитилмоқда. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртқи бўлим ҳам ташкил этилган бўлиб, унда 11-синфни тугатганлар халқ хўжалик тармоқларида иқтисод ва режалаштириш каби замонавий ихтисосликларни қунт билан эгаллашмоқда.

Коллежда ёшларнинг чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Масалан, ҳар бир фан бўйича шинам ва ёруғ хоналар ажратилган. Ўқитувчи ва талабаларни ижтимоий ҳимоялашга хизмат солиқ ва солиққа тортиш, аудиторлик хизмати, менежмент-иқтисодчи, фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, халқ хўжалик тармоқларида иқтисод ва қиладиган ўқув ишлаб чиқариш хўжалиги мавжуд. Бу ерда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари талабалар ошхонасига берилади. Ўз навбатида талабалар олган билимларини амалда ёрдамчи хўжаликда қўллайдилар.

Бултур ёрдамчи хўжаликнинг 80 гектар майдонига ғалла экилиб гектаридан 40 центнердан зиёд ҳосил олинди. Пахта ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлди. Натижада 1 миллион сўмга яқин даромад қилинди.

Иқтисодни бақувват қилмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун бугунги кунда бюджетдан ташқари ишлаб чиқаришдан топилган фойда ҳисобига коллеж ўқитувчи ва талабаларининг ижтимоий масалалари ҳал этилмоқда. Жумладан касаба уюшма қўмитаси томонидан ўқиш ва жамоат ишларида фаол иштирок этганлар рағбатлантириб борилаётир. Иқтисодий ночор оилалардаги талабаларга ҳам моддий кўмак берилиб, уларнинг пухта билим олишлари таъминланмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

OLAMDA NIMA GAP

Мамлакатлар, одамлар, тақдирлар

Бразилия молиявий инқироз исканжасида

Бир-икки йил муқаддам Жанубий-шарқий Осиёда бошланган ва ҳозиргача кўплаб мамлакатларни ўз исканжасига олиб келаётган иқтисодий бўҳрон бу йил Жанубий Америкада давом этадиган кўринади. Бундай дейишимизга сабаб шуки, бир неча кун бурун Бразилияда миллий валюта - реалнинг баҳоси кескин пасайиб кетди. Гарчи Бразилия расмий доираларига кўшилиб, ён-атрофдаги бир қанча давлатлар раҳбарлари, халқаро молия ташкилотлари вакиллари навбатдаги «кутилмаган совға»ни ўткинчи деб таърифлашга уринаётган бўлса-да, бу билан юзага келган аҳвол яқин кунларда ўнгланадиганга ўхшамайди. Сабаби, бугунга келиб реал 1О,25 фоизга қадрсизланишга улгурган.

Кўпчилик кўз ўнгида анчайин ўзига тўқ мамлакат ҳисобланган Бразилияда бундай вазиятнинг юзага келиши «шов-шув»нинг кучайишига бир қадар туртки берган бўлса, ўз ҳукуматидан каттакатта ижтимоий дастурлар, мўмайгина нафақалар олишга кўникиб улгурган аҳолини бир қадар саросимага солиб қўйди. Шусиз ҳам ўз киритган сармояларининг ижтимоий дастурларга аямасдан сарфланаётганидан норози бўлиб юрган сармоядорлар асаби мамлакат конгресси йирик қарз ҳисобига ўзига олган мажбуриятни бажаришни бир қадар чўзганига дош бермади. Улар Бразилияни тарк этишни маъқул кўра бошлашди. Мамлакатдан секин-аста капитал оқиб чиқиб кета бошлади. Хусусан, биргина девалвация эълон қилинган ўтган чоршанба куни Бразилиядан 3 миллиард АҚШ доллари чиқиб кетгани маълум.

Бостондаги «Праймарк Десижн экономикс» консалтинг фирмаси бош иқтисодчиси Аллен Синай дангал қилиб, Бразилиядаги бундай сунъий мувозанатни тўхтовсиз давом эттириб бўлмасди, эртами-кечми, ҳукумат янгиланишларга тайёр эканини намойиш қилиши керак эди, деди. АҚШ молия вазири Р.Рубин эса буни юмшоқроқ қилиб таърифлайди: бундай дастурлар талаб қилинган даражада ислоҳотлар ўтказиш лозимлигини англаган, бунга чинакам бел боғлаган ва жиддий тайёргарлик кўрган мамлакатлардагина кутилган натижани беради. Масалан, Тайланд, Жанубий Кореяда ислоҳотлар секинлик билан бўлса-да, олдинга силжимоқда. Бундай тайёргарликсиз эса муваффақият чекланган бўлади.

АҚШ давлат департаменти расмий вакили Жеймс Рубиннинг айтишича, Америка Қўшма Штатлари Бразилияда юзага келган молиявий-иқтисодий вазиятнинг аҳволини диққат билан кузатиб бормоқда. Бразилиядаги молиявий мўътадиллик ва иқтисодиётнинг гуллаб-яшнаши биз учун ниҳоятда муҳим. Шу сабаб, оғир вазиятда бу давлатга ёрдам кўрсатиш бизнинг бурчимиздир, деб таъкидлади у.

«Катта еттилик» давлатлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётган Халқаро валюта жамғармасининг фармойиш берувчи директори Мишел Камдессюнинг Бразилия миллий валютаси қадрсизланиши муносабати билан берган баёнотида, у ердаги иқтисодий ислоҳотлар давом эттирилишига умид билдирилади. Хабарда айтилишича, Бразилия ҳукумати ХВЖни миллий Конгресс билан ҳамкорликда 1998 йил ноябрида эълон қилинган молия-бюджет дастурига қисқа муддатда тузатишлар киритажагига ишонтириши керак. Маълумки, мазкур дастурларни тадбиқ этиш учун халқаро ҳамжамият томонидан Бразилияга 41 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ваъда қилинган ва унинг қарийб чорак қисми Бразилияга етказиб берилган.

Бразилияда бошланган пул қадрсизланиши албатта, ён-атрофдаги мамлакатлар иқтисодиётига таъсир ўтказиши табиий. Унинг Жанубий Америкадаги асосий савдо ҳамкори ҳисобланган Аргентинада ҳозирданоқ ўзгаришлар бошланди. Мамлакат президенти Фернанду Энрики Кардозунинг ҳукумат барча ички ва ташқи молиявий мажбуриятларни бажаришга тайёр эканини маълум қилаётган бўлса-да, Буэнос-Айрес биржаларида акциялар қиймати 1О фоизга қадрсизланган. Перу ва Мексика қимматли қоғозлар биржаларида ҳам акциялар қадрсизланиши давом этаётир. Бундан хавотирланган Мексика Президенти Коста-Рикага расмий ташрифи давомида барча Лотин Америкаси мамлакатларини юзага келган вазиятни бартараф этишда баҳамжиҳат иш юритишга чақирди.

«Шохига урсанг, туёғи зирқирайди» деганларидек, бугун Лотин Америкасидаги вазиятни тушунса бўлади. Бироқ, Бразилиядаги молиявий инқироз Индонезияда «акс-садо» бергани жаҳон мамлакатлари иқтисодиётлари орасида кўринмас ип бордек таассурот уйғотади. Бу ерда Индонезия рупийси 5 фоизга қадрини йўқотди, яъни, бир неча кун олдин бир АҚШ доллари 7500 рупийга тенг бўлган бўлса, бугунги кунда у 9000 рупийга тенглашди. Бундай ўхшашликни Филиппин песосида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, сабабсиз бирон воқеа юз бериши даргумон. Айниқса, молия-иқтисодиёт соҳасида. Айтайлик, янги йил Лотин Америкасига бир қатор ташвишлар келтирар экан, бунинг учун ҳали оҳори ҳам тўкилмаган йилни айблаб бўлмайди. Сабабни дастлаб воқеа жойидан қолаверса, ён-атрофда юзага келган вазиятдан излаб, унинг моҳиятига чуқурроқ қараш лозим шекилли. Дейлик, ўтган йили Бразилияда етиштирилган кофега жаҳон бозорида талаб камайгани, ундан кейин мамлакатнинг яна бир асосий хомашёси нефтнинг нархи тушиб кетгани... Чунки, мамлакат бозорининг мўътадиллигини асосан четдан келтирилаётган сармоялар ҳисобига тўлдириб бўлмаслиги Бразилия ҳукуматига кундай равшан бўлиши керак эди. Воқеалар ривожи қандай бўларкин? Буёғини вақт кўрсатади.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МОСКВА. Исроил ташқи ишлар вазири Ариел Шарон уч кунлик расмий ташриф билан Россияга келди. Маълумотларга қараганда, музокаралар чоғида иқтисодий, фан ва техника ҳамда бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш мавзусида ҳам фикр алмашилади.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўтган ҳафта Косовонинг Рачак қишлоғида албан миллатига мансуб 45 кишининг ўлдирилишини кескин қоралади. Унинг вакили Селсо Аморимнинг сўзларига қараганда, Хавфсизлик Кенгаши айбдорлар ўз жазосини олиши учун фожиа юз берган жойда зудлик билан қидирув ишлари олиб борилишини талаб қилган.

* * *

БРЮССЕЛ. НАТО ҳарбий қўмитаси раиси Клаус Науман ва ушбу ташкилотнинг Европадаги кучлари олий бош қўмондони Уэсли Кларк Белградга боради. Косово ўлкасининг Рачак қишлоғида содир бўлган фожеа муносабати билан шундай қарорга келинди. Мазкур ташрифдан мақсад Югославия Президенти Слободан Милошевични Косово муаммоси бўйича ўтган йил октябр ойида Югославия ҳамда НАТО ва ЕХҲТ ўртасида эришилган шартномага тўла-тўкис риоя этишга чақиришдир.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Анголадан халқаро ҳамжамият кузатувчиларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида Хавфсизлик Кенгашига таклиф киритди.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, сўнгги ойларда Анголадаги вазият кундан-кунга оғирлашиб бормоқда. К.Аннаннинг таъкидлашича, БМТ кузатувчиларининг катта қисми жорий йилнинг 3 мартига қадар Анголани тарк этиши лозим.

/ЎзА/

Газетхон илтимосига кўра

АКЦИЯ НИМА ВА У ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Кейинги йилларда акция, акциядор, ҳиссадорлик иборалари кўп ишлатиладиган бўлиб қолди. Хўш, акциянинг ўзи нима, у қачон пайдо бўлган? Унинг дастлабки ташкил топиши қадимги Римга бориб тақалади ва бу ерда фақат номи бошқача юритилган, холос. Савдогарлар ўз фаолиятларини янада жадал ривожлантириш учун бирлашиб иш олиб борганлар. IX-X асрларга келиб, денгиз ўртоқлиги компаньонлари вужудга келган. Бунда компаньон ўз иш жойида қолиб, шериги бошқа жойлардан турли товарлар олиб келарди. Бундай иш усули XVI асргача давом этди. Кейинроқ жаҳоннинг кўп ҳудудларида «оилавий ўртоқлик» компаньонлари ташкил топди. Унга оила аъзолари, қариндош-уруғлар бирлашиб, меҳнат қилишар ва олинган даромад ўртада тенг бўлинарди. Вақт ўтиши билан бундай оилавий бирлашмалар компаньонлар (compagnie: «сит — биргаликда ва «panis» — дон, ғалла демакдир)га айланди. У маблағлари бўлган бошқа кишиларни ҳам қабул қилиб, шу тариқа иқтисодий кучайиб, мустаҳкамланиб борган. Шундай компаньонлардан бири — «Барди» маълум вақт бутун дунё христиан тадбиркорларини ўз қўл остида бирлаштириб бошқариб турган. Уч оилавий ўртоқлик бирлашмасидан ташкил топган, Равенсбург шаҳрида жойлашган «Буюк жамият» компанияси 150 йил фаолият кўрсатди. Унинг Генуя, Милан, Берн, Женева, Брюгге, Барселона, Кельн, Вена ва Парижда филиаллари бор эди. Улар асосан молвут, каноп дан тўқилган матолар, турли ширинликлар, хуштаъм, хушбўй турли зираворлар билан савдо-сотиқ қилишарди.

Манбаларга қараганда ўз улуши-пайини акция сифатида расмийлаштириш биринчи марта 1695 йили қайд этилган. Акционер ибораси ҳам ҳудди ана шу пайтдан эътиборан қўлланила бошланди. Акциядорлик жамиятлари асосан Англияда тез тараққий этди. Улардан биринчилари жунни экспорт қиладиган савдогарлар бирлашмаси эди. Бирлашма аъзолари «Таваккалчи савдогарлар» деб аталиб, шойи, духобалар билан савдо қилишарди. Кемани кўпчилик бўлиб, кирага олиб, бож ҳақини биргалашиб тўлар, бу эса ҳаражатларни анча камайтириш имконини берарди.

Машҳур Ост-Ҳиндистон (Ост-Индия) бирлашмаси аввал акционерлик муносабатларини тан олмай, фақат 1658 йилга келибгина акционерлик компаниясига айланди. Орадан 30 йил ўтгач эса унинг акциялари Лондон биржаларида жуда катта миқдорда сотила бошланди.

Акциялар билан ишлашнинг келажаги порлоқ эканлигини, кўп даромад олиш мумкинлигини шотландиялик Джон Лоу исботлаб берди. У 1717 йили Парижда Ҳиндистон ҳамда Миссисипи номли компанияларни ташкил қилиб, ўз акцияларини сотувга чиқарди. Уларнинг нархи биржада ошиб борди. Чиқарилган акцияларнинг дивидентлари оз бўлса ҳам, лекин Д. Лоу ўзининг зўр молиячи эканлигини реклама билан кўрсатди, яъни 500 ливрли акция нархи ярим йилдан кейин 5000 ливрга кўтарилди. Бориб-бориб унинг нархи 20000 ливргача чиқди.

Лекин ушбу акцияларнинг ҳар доим қийматини ушлаб туриш учун кўп маблағ зарур эди.

Д. Лоу маблағи етмаса ҳам акцияларни кўплаб чиқаверди ва охир-оқибатда у синди, акциясининг эса оддий қоғоздан фарқи қолмади.

Ҳақиқий акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши XVII асрга тўғри келади. Чунки бу пайтда Ғарбий Европа ва Америкада темир йўл қурилишлари авж олаётган эди. Бундай катта қўламли ва серҳаражат ишларни ҳал этишнинг ўзи бўлмайди. Бу муаммоли масалаларни фақат акциядорлик жамиятлари ечишлари мумкин эди.

Ўша пайтдаги етук олимлардан бири шундай деганди: «Агар биз темир йўллар қурилишига керакли маблағни йиғиш учун вақтни кутсак, ҳеч қачон темир йўллар қурилмаган бўларди. Лекин бу улкан ишни акционерлик жамиятлари тезда ҳал қилишга киришдилар». Бу фикрдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, агар акционерлик жамиятлари жаҳонда темир йўл қурилишига қўл урмаганларида бу янгилик анча орқага сурилган бўлар эди. Эндиликда акционерлик жамиятлари жаҳон ишлаб чиқариш тизимининг асосий ажралмас қисмига айланиб қолган. Улар кўплаб йирик, улкан корхоналар вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Акционерлик жамиятлари турли шаклларда масалан, АҚШда тадбиркорлар корпорацияси, Англияда масъулияти чекланган компания, Францияда ўртоқлик савдо-сотиқ компанияси, Германияда эса акциядорлик жамиятлари деб юритилса-да, лекин моҳияти ўзгармаган. Улар жаҳон бозорларини энг зарур товарлар билан таъминлаб, ўз мавқеларини доимо мустаҳкамлаб бормоқда.

Ривожланган чет давлатларда ҳар бир акциядорлик компанияси ўз фаолиятини кўплаб бошқа жамиятлар билан узвий боғлаган ҳолда олиб борадилар. Агар қайсидир фирма шу компания таркибида бўлиб банкрот ёки молиявий қийинчиликларга учраса, бошқалари (шу компания таркибидагилар) тезда амалий молиявий ёрдам бериб, бу фирмани синишдан сақлаб қоладилар. Бундай ҳолат амалда компаниялар мавқеини ошириб, улар чиқарган акциялар нархини биржаларда ошиб боришига, барқарорлигига олиб келади.

Ҳар қандай акция нархи эса жамият маблағи ҳисобига эмас (жамият маблағи жуда ҳам кам бўлиши мумкин), балки тўланадиган дивиденд (акциядан келган даромад) миқдорига боғлиқ. Дивиденд қанча юқори бўлса, акциянинг нархи ҳам ўз-ўзидан ошиб бораверади.

Маълумки, давлат мулки бориб-бориб жамоа мулкига, кейинроқ ривожланиб, у хусусий мулкка айланиши керак. Шундагина ишловчилар ўз корхоналари акцияларини сотиб олиб, астойдил, ҳалол меҳнат қиладилар.

Корхоналарда оддий ҳамда имтиёзли акциялар мавжуд. Имтиёзли акциялар фақат шу корхонада кўп йиллардан бери узлуксиз меҳнат қилаётганларга берилади.

Акциядорлик жамиятлари ўзларининг ишлаб чиқарган товарларини бозор талабига асосан сифатли, арзон қилиб чиқарса ҳамда уларни сотиб олувчи харидорлари бўлгандагина фаолияти самарали бўлади. Акс ҳолда, у синади. Шунинг учун ким қандай ва қайси корхона акциясини сотиб олмоқчи бўлса, у аввал барча имкониятларни тарози палласига солиб, сўнг амалий ҳаракат қилиши лозим бўлади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳар қандай акциядорлик жамияти ўз акциясини ҳамиша даромадли бўлишига кафолат беролмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бу бозор қонунидир. Шу сабабли ҳиссадор таваккал қилишга мажбур. Чунки бозор иқтисодиётининг асосий қонуни, бу — рақобат. Ким сифатли, арзон, кўриниши чиройли, қулай ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарсагина у яшайди, ривожланиш сари юз тутади, акцияларининг нархи ҳам юқори бўлади.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ тайёрлади.

Қилмиш-қидирмиш

СОХТА ИМЗО ЖАБРИ

Эндигина йигирма етти баҳорни қаршилаган Рустам Қодиров илгари ҳам судланган бўлиб, жазо муддатини ўтаб қайтган эди. Нафс балоси уни яна жиноятга ундади. Бу сафар одамларнинг ишонувчан ва соддалигидан «унумли» фойдаланди.

У Пахтакор туманидаги 7950-сонли халқ банкининг «Мингчинор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 09-шохобчасига назоратчи-хизматчи бўлиб ишга кирди. Дастлаб виждонан меҳнат қилди. Жамоада ўзига яраша обрў-эътибор ҳам топди. Сўнг... ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, нафс гирдоби ўз домига торта бошлади. Хизмат ваколатини суиистеъмол қилди. Кам таъминланган оилаларга ажратилган моддий ёрдам пулидан 43851 сўмни ўз фойдасига «ишлаб» олди. Хўш, у бунга қандай эришди, дерсиз?

Аввало, фуқароларимизнинг талабчан эмасликлари, меъёрий ҳужжатларни қонуний равишда тўлдирмасликлари ҳамда бепарволиклари бунга сабаб бўлаётганлигини таъкидлаш жоиз. Ошна-оғайнигарчилик, қариндошчилик кусури сабабли айрим кишилар рўйхатга қўл қўймасдан пул олишган. Уларнинг ўрнига Рустамнинг ўзи имзо чекаверган. Шу тариқа Тошқиз Холмуродованинг 4350 сўми, Қорабой Ўсаровнинг 4275, Мусурмон Юсуповнинг 2250, Саломат Ғойибназарованинг 1550, Тошбуви Норбоевананинг 3020 сўми, шунингдек, 37 нафар кам таъминланган фуқароларнинг турли миқдордаги пуллари ўзлаштириб юборилган.

Рустам Қодировнинг виждонсизлиги шу даражага етган эканки, ҳатто кам таъминланган, яъни ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларнинг ризқини қийишгача журъат этган. Бу - масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳати шундан иборатки, ўнлаб фуқаро ўзининг қонуний ҳақини талаб қилишмаган. Бу нимадан ўзи? Қонунларни билмасликданми? Ҳа, юқоридаги ҳолатга бундан бошқача баҳо топиб бўлмайди. Демак, фуқаролар ўртасида ҳуқуқий мавзуларда кўпроқ иш олиб бориш керак.

Р.Қодиров қилмишини яна давом эттириши мумкин эди. Лекин навбатдаги тафтиш жараёни бунга чек қўйди. Аниқланишича, қисқа муддатда 181 минг 813 сўмлик моддий ёрдам пулига қонуний эгалари қўл қўймаган.

- Ҳақиқатан ҳам баъзи тўлов ҳужжатларига ўзим имзо чекканман,-дея вилоят суди мажлисида айбига иқрор бўлди Р.Қодиров, - буни мижозларнинг илтимосига биноан қилганман. Айрим кишиларнинг саводсизлиги ҳамда ҳисобот муддатининг тугаганлиги мени шундай қилишга мажбур этди.

... Айбдор ўз қилмишига яраша жазосини олди. Бироқ, табиий савол туғилади: бундай ҳолатларнинг олди олиниши мумкинмиди? Ҳа, албатта. Бунинг учун лоқайдлик қусуридан қутулишимиз керак. Агар фуқароларимиз пулларини шахсий имзолари билан тасдиқлаб олганларида эди, жиноятчиликка йўл очилмас, ножўя ҳаракатлар содир бўлмасди.

Неъмат БОБОЖОНОВ,
Жиззах вилояти судининг судьяси
Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

УШАЛГАН ОРЗУ

(Лавҳа)

... Отаназар одатдагидек тонг саҳарда уйғонди. Кийиниб ташқарига чиқди. Яна қор ёғибди. Изғирин кучайганидан еру, дов-дарахтлар заранг қотиб қолган. Автобусни тезроқ қиздириб йўлга чиқиш лозимлигини ўйлаб, хотини тайёрлаб қўйган нонуштага ўтирди.

- Ишга сал туриб борсангиз бўлмайдими, изғиринни қаранг? -деди турмуш ўртоғи совуқдан жунжикиб.

- Бекатларда ўнлаб йўловчиларнинг дийдираб туришгани кўз олдингга келмайди-я, онаси, - Отаназар нонуштадан сўнг шошганча автосаройга йўл олди.

- Машинанг қизиб олгунча сенга азоб берадиган бўлди-да, болам,- деди корхона қоровули телпагини кўзига бостириб.

- Хавотир олманг, ота, ҳадемай қиздириб юбораман.

Лекин чиндан ҳам машинага «жон» киргизиш қийин бўлди. У гўё музлаб қолгандай. Бирон жойига қўл тегса, чиппа «ёпишиб» қолади. Отаназар роса уринди, аёзи жондан ўтадиган совуқдаям қора терга ботиб ишлади. Ниҳоят моторнинг гулдираган овози чиқди. Сал вақт ўтиб-ўтмай автобус ўз йўналиши бўйича Бекобод қишлоғидаги «Заргарлар» маҳалласи томон йўл олди...

Автобус белгиланган бекатга келиб тўхтаганида, соат етти яримни кўрсатаётганди. Айни вақти! У йўловчиларнинг миннатдор чеҳраларини кўриб беҳад севиниб кетди, чарчоғини ҳам унутди.

Отаназар шофёрлик касбига болалигидаёқ ихлос қўйган. Унинг қалбида бу касбга ҳавас, иштиёқ уйғотган киши раҳматлик падари бузруквори Жуманиёз отадир. Эллик беш йил рул тутиб халқига, Ватанига ҳалол хизмат қилган бу ажойиб инсон Отаназар учун фақат меҳрибон ота бўлибгина қолмай, биринчи устози ҳамдир.

У 1990 йилдан буён «Урганч - Заргарлар» йўналиши бўйича қатнайдиган автобусни бошқаради. Унинг акаси Ҳожиназар ҳамда укаси Ойбек ҳам ота касбини эъзозлаб келаётирлар.

- Ҳозирги шароитда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш давр талабига айланиб бормоқда - дейди О.Отажонов. - Хушмуомалалик билан тезкор хизмат кўрсатсангиз, мижозлар ўз-ўзидан сизнинг автобусга ўтиради. Бу рақобатли замонда фақат ўз устида қаттиқ ишлаш қўл келиши мумкин.

Хар бир юмушни ғайрат билан бажарадиган О.Отажонов «Хоразмйўловчиташиш» ҳиссадорлик жамияти, 13-автобус паркида ўз ўрнига эга. Энг муҳими эса одамларни ҳурмат-иззат қилган Отаназарни барча эъзозлайди, унинг йўли доимо равон, бехатар бўлсин, деб дуо қилишади.

Аҳмаджон РАҲИМОВ,
Урганч тумани.

ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИДАН

Кимнинг агар бўлса баланд
ҳиммати,
Эски кийим бирла-да зўр иззати.
***
Ўзинг ташна бўлсанг оби
жўй етар,
Кўзинг ташна бўлса, обрўй кетар.
АМИР ҲУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.
ЭРКИН ВОҲИДОВ

Мен ишқимни қилмасам
ҳам ошкора баён,
«Жоним фидо!» деб кўксимга
муштламасам ҳам,
Ўзбекистон, она-Ватан,
сўзимга ишон,
Фарзандингман, фарзандингман
ҳар қачон, ҳар дам.
***
Бошим узра ҳилпираган
байроқдир номинг,
Бир умрга ўтгум баланд
кўтариб уни.
Шу байроқдир менинг умрим,
менинг имоним,
Уни омон, пок сақламоқ -
умрим мазмуни.
МАШРАБ БОБОЕВ

Шифо масканларида

БАХТ ТЎКИС БЎЛСИН

Мирзачўл туман марказий касалхонаси қошида фаолият кўрсатаётган туғруқхона шифокорлари ўтган йили 9960 нафар аёлни тиббий кўрикдан ўтказдилар. Ҳасталиги аниқланган аёллар даволаниб, уларга тегишли маслаҳатлар берилди. Шунингдек, биринчи марта фарзанд кўрган 62 нафар ёш оналар шифокорларнинг алоҳида назоратига олиниб, чақалоқларини соғлом ўстириш ва саломатликларини доимий мустаҳкамлашларида амалий ёрдам кўрсатилди.

Туман аҳолиси акушер-гинеколог Раҳима Тожиддинова, терапевт Гофур Алиқулов, педиатр Зоя Кусаева, жарроҳ Оллоберди Шодиев, доялар Ҳанифа Утенова ва Татьяна Горейсларнинг беминнат хизматларидан мамнун.

Жорий йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши мажмуа шифокорлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклади. Улар қишлоқ ва қўрғонларда хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатувчи 3 та гуруҳ ташкил этдилар. Ушбу гуруҳларга малакали акушер-гинекологлар, болалар ва ички касалликлар шифокорлари жалб этилган. Бундан ташқари мажмуанинг 60 ўринли туғруқхонаси кенгайтирилиб, мажмуа қошида амбулатория-жарроҳлик маркази ташкил этилди. Шунингдек, туман ҳокимлиги мажмуага қишлоқ ва қўрғонлардан бемор аёлларнинг келиб-кетишлари учун махсус автобус ажратди.

Шунингдек туғруқхона мажмуи қошидаги аёллар маслаҳатхонаси шифокорлари хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этадиган жамоаларда ёшларни оилага тайёрлаш, оилада чақалоқлар парвариши, озодалик ва ораставлик каби мавзуларда ўқувлар ташкил этмоқдалар.

К.ЖЎРАҚУЛОВ.

Маҳалланг - отанг, онанг

НУРОНИЙЛАР ИШБОШИ

Маҳалла хонадонларини тўла газлаштириш, кўчаларга асфальт ётқизиш, ичимлиқ сув муаммоси каби юмушлар Маҳмуд ака раҳбарлигида амалга оширилди. Хусусан, яқинда ҳомий ташкилотлардан мадад олиб, юқори кучланишдаги трансформатор ўрнатилди. Шу боис ҳозирда маҳалла хонадонлари ва кўчалари доимо чароғон. Ҳали олдинда ишлар кўп. Маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳоли учун кичик корхоналар очиш, ўрта мактаб, спорт шохобчаси қурилишини тезлатиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Кўпчилик учун хизмат қиладиган қурилишларга аҳолини жалб этиб, ҳашар уюштириш керак бўлади. Бундан ташқари, моддий қийин аҳволдаги оилаларнинг уй-жой шаротини яхшилаш борасида ҳам хашар уюштириш режалари бор.

Хашар йўли билан қурилган маҳалла идораси кечки пайт турли ёшдаги кишилар билан гавжумлашади. Биров тўй ҳақида маслаҳатлашгани келса, яна бири иморат қуриш истагини билдиради, бошқаси ўғли ва келинининг рўзғорини бошқа қилиб бериш масаласида маслаҳат солади.

Маҳаллада яшаётган мингдан ортиқ аҳолининг ҳар бирининг ўз қувончи ва ташвишлари бор. Оқсоқол уларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб туришга ҳаракат қилади. У ҳар куни икки-уч хонадонда бўлиб, оиладаги аҳвол билан яқинроқ танишади. Масалан, Маҳмуджон ака яқинда Александр Ципушников хонадонида бўлди. Қариянинг аҳволини ўрганиб, унга моддий ёрдам уюштирди. 120 нафар кўп болали оналар, ёрдамга муҳтож 32 оила, ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳам маҳалла фаолларининг диққат-эътиборида. Улардан ўз вақтида хабар олиниб, тегишли ёрдамлар уюштириб борилади.

Маҳаллада ободончиликка ҳам катта аҳамият берилмоқда. Масалан, оқсоқол ташаббуси билан очилган озиқ-овқат ва гўшт дўкони олдидаги майдон текисланиб, маиший хизмат тармоқлари, дам олиш масканлари ҳашар йўли билан қад ростлади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хусусан, тўй ва маъракаларни ихчам, дабдабасиз ўтказиш йўллари излаб топилмоқда. Тўй базми бир кунда ўтказилиши кўпчиликка маъқул бўлаяпти. Чунки сир эмаски, айрим шаҳар маҳаллалари, қишлоқларда битта тўй учун ўнлаб кишилар бир неча кун овора бўлишади. Қолаверса, уч кунгача овозкучайтиргичлар маҳаллани бошига кўтариб кишилар тинчлигини бузаётир.

Маҳмуджон аканинг ютуғи шундаки, у ўзи бошлаган ишининг, айтган гапларининг тўғри эканлигига одамларни ишонтира олади. Кўпчиликнинг ўзига бўлган ҳурмати уни янги ташаббусларга руҳлантиради. Шунинг учун ҳам Олмаликдаги Усмон Носир маҳалласи Тошкент вилоятидаги шаҳар маҳаллалари ичида ибратли, деб топилиб, тажрибаси кенг оммалаштирилаётганлиги бежиз эмас.

Темур ҲАЙДАРОВ.

ГУЛИСТОН ЧИРОЙИ

Сўнгги йилларда Гулистон шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кенг, равон кўчалар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, хиёбонлар, спорт комплекслари шаҳар хуснига-хусн қўшди. Эътиборли томони шундаки, бунёдкорлар миллий архитектура тажрибасидан кенг фойдаланишган. Шоҳбекатларда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Бу ерга ташриф буюрган меҳмонларга ўзига хос услубда қурилган бозор, ундаги тўкинсочинлик алоҳида манзур бўлаяпти. Чўлқуварлар масканида қад ростлаган бир-биридан шинам бинолар мустақиллик меваларидир.

Суратда: Гулистонда қад ростлаган янги муҳташам меҳмонхона.

Нафс бандалари

ОПА-СИНГИЛ «ИШБИЛАРМОН»ЛАР

Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи опа-сингил Нигора ва Наргиза Қосимованинг сафари Когон шоҳбекатида ниҳоясига етди. Улар Туркманистоннинг Чоржўй шаҳри бозорларидан қарийб 280 минг сўмлик акциз маркаси бўлмаган, хоржда ишлаб чиқарилган фильтрли сигареталарни харид қилиб, Самарқандда сотиш ниятида эканлар. Боз устига «ишбилармон» опа-сингиллар молларига божхона юк-баённомаси тўлдиришни, акциз ва божхона солигини тўлашни ҳам «унутишган» экан.

«Нукус-Алмати» поезди йўловчилари - туркманистонлик Момогул Дурдиева ҳамда Акмарал Турсунбаеванинг сафари ҳам Когон шоҳбекатида «қариди». М.Дурдиева қиймати 1300 АҚШ долларилик, А.Турсунбаева эса 972 АҚШ долларилик «Кент» маркали, акциз маркаси бўлмаган хориж сигареталарини мамлакатимиз ҳудудига олиб киришга уринаётганда фош этилди.

Бухоро вилоят божхона бошқармаси 2-пости бошлиғи Ж.Каримовнинг таъкидлашича, ўтган йили Когон шоҳбекати орқали акциз маркаси билан тамғаланмаган сигареталарни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш бўйича 93 ҳолат аниқланган, 2 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот мусодара этилган. Ҳуқуқбузарлар тегишли жазога тортилган.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири

«КАФОЛАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

Шу йил 22 январ куни Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 88-уйда компания кузатув кенгаши қарорига асосан акционерларнинг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИДА:

1. «Кафолат» ДАСК акцияларини чиқариш;
2. «Кафолат» ДАСК эмиссия проспектига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлаш;
3. «Кафолат» ДАСК эмиссия лойиҳа проспектини тасдиқлаш;
4. Вазирлар Маҳкамасининг 22.08.98 й. 361-қарори ва «Кафолат» ДАСК ижроия органи раҳбарларини ёллаш тўғрисида»ги меҳнат шартнома лойиҳаси ҳамда компания ижроия органи, бошқарув органи Низоми лойиҳасини тасдиқлаш.

Маиший хизмат

МИЖОЗЛАРНИНГ ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗИ

Қиш маиший хизмат соҳасини ҳам алоҳида имтиҳондан ўтказаётир. Ва биз бу муҳим иш Пискент туманида қандай ташкил этилганлиги билан атрофлича танишишга жазм этдик. Одамларнинг эътироз билдирганларича бор экан: «Янгибой» қишлоғи бўйлаб қатновчи автобуслар баъзида кўринмай қолади. Шу боис манзилга пешинга яқин кириб бордик. Ҳоким ёрдамчиси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси раиси Шарифа Дадаматова билан учраштирди. У камчилик ва муаммолар кўплиги ва унинг узрли томонлари ҳақида берилиб гапириб берди. Масалага ойдинлик киритиш учун маиший хизмат шохобчаларини айланишга киришдик.

Пискент шаҳрида 82600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунча одамга биттагина радио-телевизор тузатиш устахонаси хизмат қиларкан. Кутилмаган ташрифдан бироз эсанкираган устахона раҳбари қўлбола иситиш тармоғини яширишга уринди.

- Иситиш тармоқлари ишламаяпти, шу боис меҳнат хавфсизлиги қоидасини бузиб бўлса-да, ўзимиз чора излашга мажбур бўлаяпмиз,- дейди у. - Ишимиздан қаноат ҳосил қилаётганимиз йўқ. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Агар уларни мижозларнинг ўзлари топиб келишмаса, радио-телевизорларни муддатда таъмирлаб беролмаймиз...

Охунбобоев номли жамоа хўжалиги томон йўл олдик. Ҳаёт, саломатлик учун бағоят зарур бўлган ҳаммомларнинг ҳолати эътиборни тортди. «Саид» қишлоғидаги «Садр» хусусий ҳаммоми эшигида қулф осиғлиқ. Унинг эгаси С.Зиёвуддиновнинг таъкидлашича, электр токи йўқлиги учун бу маиший хизмат шохобчаси анчадан бери ишламаётир. Олис қишлоқлардан келган одамлар бекорга овора бўлиб кетишмоқда. Хоналарни кўздан кечирамиз. Сув қувурлари тамоман ишдан чиққан, деворлар нурай бошлаган.

- Ҳаммом излаб Пискент шаҳрига боришга тўғри келяпти,-дейди пенсионер Иброҳим Рўзиев. - У ерда ҳам бири ишласа, бири ишламайди. Газ масаласи ҳам аҳолини роса диққат қилаяпти.

«Муротали» қишлоғидамиз. Бу ердаги ҳаммом ҳам ишламас экан. У ташландиқ ҳолатга келиб қолган.

Туманда саккизтагина этикдўзлик устахонаси бор. Шундан иккитаси марказда жойлашган. Эшикка «Очиқ» деб ёзиб қўйилган устахонага яқинлашамиз. Қанчалик тақиллатмайлик, ҳеч кимдан садо бўлмади. Соат ўн бешга яқинлашаётган эди. Беш-олти нафар ёшлар хуноб бўлиб ён-атрофга норози боқишади.

- Келганимизга икки соатча бўлди, бироқ усталардан дарак йўқ, кўпинча шу аҳвол. Бундай масъулиятсизлик қачонгача давом этади,-дейишди улар, бири олиб, бири қўйиб.

Бу ҳақли саволга туман ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарлар нима деб жавоб беришаркин?

Қобилжон ШОКИРОВ,
Хайрулло АБДУЛЛАЕВ,
«Ишонч» мухбирлари.

Ҳар тўғрида

КИТ ЮРАГИ

Олимлар анчадан буён океан тубида бир меъёрда тебранаётган тўлқинни эслатувчи сирли товушга қизиқиб келишарди. Бу товуш Антрактида соҳиллари ва Арктика сувларида эшитиларди.

Америкалик бир олим товушлар манбаини аниқлашга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, бу - кит юрагининг зарби экан. У оғзини очганда юрак зарби узоқларгача эшитилар экан.

Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки китнинг юраги 100 килограммга яқин, у ўнлаб от кучига тенг қувват билан уради.

МУЗЕЙДА «МАРЖОН» ҚОЯЛАРИ

Берлиндаги табиат музейининг ходимлари кубалик сув ости сайёҳлари билан ғалати операция ўтказдилар. Бутун бошли маржон қоясини бир жойдан иккинчи жойга кўчирдилар.

Бунинг учун аввал маржон қояларини ўлчаб арраладилар. Сўнг кемага юкладилар.

Ниҳоят уни Берлинга омон-эсон келтирдилар. Бу ерда маржон қояларини яна қайтадан «йиғдилар». Ҳозир у музейда намойиш қилинмоқда.

ЭНГ КЎҲНА ҒИЛДИРАК

Болгариядаги Бакова қишлоғи яқинида олиб борилган қазишмалар чоғида аравани нг ғилдираги топилди. Мутахассислар бу топилманинг ясалганига 6 минг йил бўлган деб ҳисоблашмоқда. Шунга кўра у дунёдаги энг кўҳна ғилдиракдир.

ПОЧТАЛЬОН ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Хат ташийдиган каптарлар ҳақида кўп эшитгансиз. Қадимги Римда эса хатларни узоқ масофага етказиш учун қалдирғочлардан фойдаланишган. Улар каптарларга қараганда бир неча марта тез учадилар.

ТИШ ЧЎТКАСИ — ДАВО

Маълумки, янгилик эскиликнинг бағрида дунёга келади. Оттавалик болалар тиш доктори бу қоидага қатъий амал қилади. Унинг ҳузуридан кўркиб, титраб турган ўғлини олиб кетаётган она сарғайиб кетган тишларнинг давосини сўраганда, врач ломмим демасдан унга тиш чўткасини тақдим этди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва «Ишонч» газетаси жамоалари Ўз КУФК матбуот котиби Неъмат Рафиқовга волидаи муҳтарамаси **Кифоят РАФИҚОВА** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ИШОНЧ — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши газетаси

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85--66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 027. Нусхаси — 16.608.

1 2 3 4 5 6